

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Туризм ва унга боғлиқ хизматлар. Тиббий туризм.
Хизмат кўрсатишга доир талаблар**

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт
вазирлигининг "Спорт ва туризм хизматларини
сертификатлаш маркази" Давлат унитар корхонасига
хизмат доирасида фойдаланиш учун

Сўз боши

1 Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги «Спорт ва туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ва ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

2 Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошидаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг 2022 йил 17 январдаги 05-1369- сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ ва ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

3 Ушбу стандарт ISO 22525:2020 «Tourism and related services. Medical tourism. Service requirements» халқаро стандарти билан айнан ўхшаш.

4 Стандартга қуйидаги таҳририй ўзгартиришлар киритилган. «Халқаро стандарт» сўзлари «ушбу стандарт» сўзларига алмаштирилган.

5 ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ушбу стандартни ва унга бўлган ўзгартиришларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш ҳақидаги ахборот “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги” томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида чоп этилади.

Ушбу стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этишнинг мутлақ ҳуқуқи Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига тегишли.

Мундарижа

	Муқаддима.....	IV
	Кириш.....	V
1	Қўлланиш доираси.....	1
2	Норматив ҳужжатларга ҳаволалар.....	1
3	Атамалар ва таърифлар.....	1
4	Асосий талаблар.....	2
4.1	Умумий қоидалар.....	2
4.2	Виза олишга боғлиқ расмийчиликлар.....	3
4.3	Консьерж хизматлар.....	3
4.4	Тиббий сайёҳларнинг қаноатланиш даражаларини ва ҳаракат режасини кузатиб бориш	4
5	Воситачиларга доир талаблар.....	4
5.1	Умумий қоидалар.....	4
5.2	Саёҳат ва даволанишдан олдинги давр.....	5
5.3	Муолажа.....	6
5.4	Муолажа тугагандан кейинги давр.....	6
6	Тиббий хизмат таъминотчиларига доир талаблар.....	6
6.1	Умумий қоидалар.....	6
6.2	Ахборот.....	7
6.3	Умумий хизмат турларини тақдим этиш.....	7
6.4	Тиббийёт ходимлари.....	8
6.5	Тиббий хизматларни тақдим этиш.....	9
6.6	Овқатланиш	12
6.7	Химоя чоралари ва хавфсизликни таъминлаш.....	12
6.8	Тозалаш, дезинфекция, стерилизация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш.....	14
	А илова (ахборот қисми) Тиббий сайёҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	15
	В илова (норматив қисм) Лаёқатлилиқка доир минимал талаблар ва воситачилар учун тавсиялар	17
	Библиография	19

Ўзбекистон Республикасида Фойдаланиш Учун
 вазирлигининг «Спорт ва туризм» қўшма маъмурият унитар корхонасига
 сертификатлаш маркази томонидан тасдиқланган

Муқаддима

ISO (Халқаро стандартлаштириш ташкилоти) – бу бутун дунё бўйлаб стандартлаштириш бўйича миллий органлар федерацияси (ISO га аъзо органлар). Халқаро стандартларни тайёрлаш бўйича иш ISO техник қўмиталари орқали амалга оширилади. Техник қўмита ташкил этилган мавзудан манфаатдор бўлган, ҳар бир аъзо-орган мазкур қўмитада вакиллик қилиш ҳуқуқига эга. ISO билан алоқада бўлган халқаро ташкилотлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳам ушбу ишда иштирок этади. ISO электротехника соҳасида стандартлаштиришнинг барча масалалари бўйича Халқаро электротехника комиссияси (IEC) билан узвий ҳамкорлик қилади.

Ушбу стандартни ишлаб чиқиш учун ишлаб чиқилган тартиботлар, шунингдек уни кейинги юритиш учун мўлжалланган тартиботлар ISO/IEC, 1-қисм Директиваларида таърифланган. Хусусан, ISO ҳужжатларининг ҳар хил турлари учун зарур бўлган, тасдиқлашнинг турли хил мезонларини таъкидлаш лозим. Ушбу стандарт ISO/IEC, 2-қисм директиваларининг таҳририй қоидаларига мувофиқ тайёрланган (www.iso.org/directives га қаранг).

Шунга кўра, ушбу стандартнинг баъзи элементлари патент ҳуқуқларининг предмети бўлиши мумкинлигига, эътибор қаратилади. ISO қандайдир ёки барча шунга ўхшаш патент ҳуқуқларининг идентификацияси учун масъул эмас. Стандартни ишлаб чиқиш жараёнида аниқланган, ҳар қандай патент ҳуқуқлари тўғрисидаги батафсил ахборотлар ISO нинг кириш қисмида ва/ёки олинган патент декларацияларининг рўйхатида келтирилади (қар. www.iso.org/patents).

Ушбу стандартда ишлатиладиган ҳар қандай савдо номи, фойдаланувчиларнинг қулайлиги учун тақдим этилган ахборот ҳисобланади ҳамда маъқуллаш ҳисобланмайди.

Мувофиқликни баҳолаш билан боғлиқ бўлган, ISOнинг ўзига хос атамалари ва ибораларининг аҳамиятини, шунингдек савдодаги техник тўсиқлар (СТТ) соҳасидаги Бутунжаҳон савдо ташкилотининг (БСТ) ISO принципларига амал қилиниши тўғрисидаги ахборотларини изохлаш учун куйидаги ҳавола бўйича ахборотларни кўринг: www.iso.org/iso/foreword.html.

ISO/TC 228, Туризм ва у билан боғлиқ бўлган хизмат турлари Техник қўмитаси, ушбу стандарт учун масъул қўмита ҳисобланади.

Ушбу стандарт бўйича ҳар қандай мулоҳазалар ёки саволлар стандартлаштириш бўйича миллий органга йўналтирилиши лозим. Ушбу органларнинг тўлиқ рўйхатини www.iso.org/members.html ҳаволаси бўйича топиш мумкин.

Кириш

Кейинги йилларда тиббий ёрдам излаб бир мамлакатдан бошқа мамлакатга саёхат қилаётган инсонлар сони сезиларли даражада ўсмоқда. Ушбу вазиятни изоҳлаш учун баъзи сабаблардан бири маълум бир мамлакатларнинг тақдим этаётган рақобатбардош нархлари, тиббий сайёҳлар истиқомат қилувчи мамлакатларда даволаниш қийинлиги, шунингдек тегишли тиббий хизматларни олишдаги узун кутиш рўйхати ҳисобланади. Бошқа нарсалар билан бир қаторда, ушбу глобал бозорда ўсиб бораётган талаб халқаро саёхатларнинг қулайлиги ва мавжудлиги, шунингдек техника тараққиёти ва Интернет тақдим этадиган имкониятлар туфайли ўсди. Даволанишга косметик жарроҳлик, стоматология, лазер кўз жарроҳлиги, умуртқа ораси дискини алмаштириш, мия жарроҳлиги (мия қопқоғини мослаштириш каби), онкологик жарроҳлик (масалан, шишларни олиб ташлаш ёки органларни тўлиқ олиб ташлаш), бариатрик жарроҳлик (масалан, ошқозонни шунтлаш) ва юракни шунтлаш операциясини ўз ичига олади.

Тиббий туризмнинг қиймат занжирида кўплаб манфаатдор томонлар, жумладан воситачилар, тиббиёт ходимлари (масалан, клиникалар ва шифохоналар), мутахассислар (масалан, шифокорлар) ва бошқа манфаатдор томонлар (масалан, суғурта компаниялари ва консулликлар) иштирок этади. Тиббий туризмни ривожлантириш маъмурий вазифаларни соддалаштириш, тиббий муолажаларни такомиллаштириш ва мослаштириш ва даволанишдан кейинги тиббий ёрдамни такомиллаштириш, шунингдек саёхатни ташкил этишни мувофиқлаштириш каби кўплаб қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу тиббиёт соҳаси мутахассислари учун тиббий сайёҳларнинг талабларини қондириш учун баъзи қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу сабабли тиббий сайёҳларнинг талабларини қондириш учун турли манфаатдор томонларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро миқёсда тиббий туризм хизматларини тақдим этиш учун минимал сифат талабларини аниқлаш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт
вазирлигининг "Спорт ва туризм хизматларини
сертификатлаш маркази" Давлат унитар корхонасига
хизмат доирасида фойдаланиш учун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Туризм ва унга боғлиқ хизматлар. Тиббий туризм. Хизмат кўрсатишга доир талаблар

Туризм и связанные с ним услуги. Медицинский туризм. Требования к обслуживанию

Tourism and related services. Medical tourism. Service requirements

Жорий этиш санаси: 2022 йил 1 апрел

1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт тиббий туризм соҳасида тиббий хизматларнинг воситачилари ва таъминотчилари учун талаб ва тавсияларни белгилайди.

Ушбу стандарт сайёҳларга тиббий сабабларга кўра саёҳат қилаётган сайёҳларнинг талабларини қаноатлантириш учун сифатли хизматларни тақдим этишга мўлжалланган.

Ушбу стандарт талассотерапия марказлари, тиббий курортлар ёки соғломлаштириш курортларига тааллуқли эмас.

2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу стандартда норматив ҳаволалар мавжуд эмас.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда тегишли таърифлар билан қуйидаги атамалар қўлланилган:
ISO ва IEC стандартлаштиришда фойдаланиш учун терминология маълумотлари базасини қуйидаги манзилларда сақлайди:

- ISO онлайн кўриш платформаси: <http://www.iso.org/obp> да мавжуд
- IEC электропедияси: <http://www.electropedia.org/> да мавжуд

3.1 консьерж хизматлар: тиббий хизмат таъминотчисининг (3.4) хизматлари (3.2) ёки уларнинг иккаласи томонидан тиббий сайёҳнинг хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида тақдим этилган хизмат.

Мисол. Учрашув ёки аэропортга қайтиш, тиббий ва кўнгилочар тадбирларни қўллаш, автомобил қўйиш жойи хизматлари, таржимон хизматлари, болаларга ғамхўрлик қилиш, тозалаш ходимлари, ҳайдовчилар, 24 h шахсий хизмат кўрсатиш, уй-жой ижараси.

3.2 воситачи: Тиббий хизматлар учун шартнома тузиш жараёнида тиббий сайёҳга ёрдам берадиган тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги воситачи.

Кириш учун изоҳ 1: Баъзи воситачилар, шунингдек тиббий сайёҳ учун консьерж хизматларини, парвозлар ёки турар жойларни тўлиқ ёки қисман ташкил қилишади.

[МАНБА: ISO 22886:2020, 3.11.2]

Мисол. Саёҳлик агентлиги, тиббий кластер, тиббий хизмат кўрсатувчи халқаро бўлим.

3.3 тиббий хизмат кўрсатиш: Алоҳида шахслар ёки умуман аҳолининг соғлиғини сақлаш ва яхшилаш чоралари.

3.4 тиббий хизмат таъминотчиси: Тиббий сайёҳларга (3.9) тиббий маслаҳат, диагностика, реабилитация ва тиббий ёки жарроҳлик муолажалари тақдим этиладиган ташкилот.

Мисол. Клиника, шифохона, реабилитация маркази.

3.5 кичик тиббий ходим: Тиббий сайёҳларга (3.9) клиник хизмат кўрсатувчи малакали ходимлар.

Мисол. Амалиётчи ҳамшира, шифокор ёрдамчиси, шошинч тиббий ёрдам бўйича кичик мутахассис, рентгенолог, диетолог.

3.6 тиббий муолажа: Тиббий хизмат кўрсатишга (3.3) қаратилган ҳаракатлар.

Мисол. Ташхис, даволаш, терапия ва таҳлил.

3.7 тиббий ходим: Касбий амалиётга қўйиладиган қонунчилик талабларига мувофиқ тиббий мутахассислик битирувчилари.

3.8 тиббий туризм: Асосий мотивация сифатида тиббий хизмат кўрсатишга (3.3) эга бўлган халқаро ёки миллий саёҳат.

3.9 тиббий сайёҳ: Тиббий хизматлар олиш (3.3) мақсадида саёҳат қилувчи шахс.

Кириш учун изоҳ 1: Ушбу саёҳатнинг сабаблари тиббий маслаҳат, диагностика, реабилитация ва тиббий ёки жарроҳлик даволанишни ўз ичига олади.

3.10 вақтинчалик саёҳатга рухсат: тиббий хизмат таъминотчисидан (3.4) чиқиб, даволанишни (3.11) давом эттирувчи, кейинчалик даволанишни бир неча босқичда амалга оширувчи тиббий сайёҳга (3.9) берилган рухсат.

Кириш учун изоҳ 1: Онкология каби бундай даволаш усулларида даволаш бир неча давр мобайнида амалга оширилади.

3.11 даволаш: Хасталик, травма ёки касаллик туфайли тиббий сайёҳга (3.9) уни соғломлаштириш ёки ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида берилган тиббий хизмат кўрсатиш (3.3).

4 Асосий талаблар

4.1 Умумий қоидалар

Ушбу банд тиббий туризмда сифатли хизмат кўрсатиш талабларини белгилайди ва воситачи ва тиббий хизмат таъминотчиларига қўлланилади.

Воситачи ва тиббий хизмат таъминотчиси:

а) тиббий сайёҳга уларнинг мутахассисликлари, тақдим этиладиган хизматлар ва уларнинг ваколатлари тўғрисида ҳужжатлаштирилган маълумот бериш;

б) тиббий сайёҳга саёҳат ва тиббий муолажалар ҳақида керакли маълумотларни тақдим этиш орқали жараёни енгиллаштириш учун бир-бири билан ва тиббий сайёҳ билан ҳамкорлик қилиш;

с) ўз фаолиятини амалга ошириш учун тегишли суғуртага эга бўлиш;

д) уларга тегишли ҳуқуқий талабларни аниқлаш (масалан, фаолият лицензияси, тиббиёт органининг рухсатномаси, санитария транспорти, озиқ-овқат хавфсизлиги, хавfli чиқиндиларни бошқариш, рентген аппаратлари), шунингдек уларни тақлиф қилиш ва хизмат кўрсатишда ҳисобга олишларини таъминлаш;

е) тиббий сайёҳларнинг шахсий ва клиник маълумотларини бошқарувчи ташкилотнинг турли профилларини аниқлаш учун ҳужжатлаштирилган жараёни

аниқлаш ва амалга ошириш, шунингдек ушбу маълумотларга ҳар бир иш профилига кириш учун зарур бўлган рухсатномалар даражасини белгилаш;

f) тиббий сайёҳлар учун маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоясини таъминлаш (масалан клиник маълумотлар ва маъмурий маълумотлар учун алоҳида ёзувлар); ушбу маълумотларга киришни бошқариш ва назорат қилиш имконини берувчи дастурий таъминот тизимларини жорий этиш тавсия этилади (масалан таҳлиллар, натижалар, диагностика);

g) ўлим билан тугаган ва репатриация (тиббий сайёҳлар ва уларнинг ҳамроҳлари учун) билан боғлиқ бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда ушбу таклифга киритилмаган бўлса, даволанишнинг мумкин бўлган асоратларини қоплаш учун суғурта шартномасини тузиш тавсия этилади;

h) сифатли хизмат кўрсатиш ва тегишли ички бошқарувни кўрсатадиган бошқарув тизимини жорий этиш.

4.2 Виза олиш билан боғлиқ расмийлик

Воситачи, тиббий хизмат кўрсатувчи ёки ҳар иккаласи, агар керак бўлса халқаро тиббий сайёҳлар учун ва ҳеч бўлмаганда уларнинг тиббий сайёҳларининг аксарияти келган мамлакатлар учун виза талабларини белгилаши ва ҳужжатлаштириши керак.

Баъзи ҳолларда тиббий хизмат таъминотчиси тиббий сайёҳнинг илтимосига биноан таклифнома хатига ёзилиши мумкин.

4.3 Консьерж хизматлар

4.3.1 Умумий қоидалар

Консьерж хизматлар воситачи ёки тиббий хизмат таъминотчиси томонидан ҳам таклиф қилиниши мумкин.

Воситачи ёки тиббий хизмат таъминотчиси тиббий сайёҳларнинг қулайлиги учун тақдим этилган хизматларни аниқлаши керак. Шу мақсадда масалан қуйидагиларни таҳлил қилиш керак:

- a) тавсия этилган даволаш тартиби;
- b) тиббий сайёҳларнинг ўртача туриш муддати;
- c) тиббий сайёҳларнинг келиб чиқиши;
- d) тиббий сайёҳлар билан боғлиқ тиллар ва бошқа маданий хусусиятлар.

4.3.2 Хорижий тиллар ва таржима хизматлари

Воситачи ва тиббий хизмат таъминотчиси тиббий сайёҳларнинг келиб чиқиш давлатларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган камида битта хорижий тилда мулоқот қилишлари ва хизматларини кўрсатишлари керак. Таржима хизматлари зарур бўлганда, ушбу хизматлар тақдим этилиши керак.

Воситачи ва тиббий хизмат таъминотчиси рўйхати ёки таржима хизматлари билан боғлиқ бўлган алоқа маълумотларига кириш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

4.3.3 Транспорт хизматлари

Транспорт хизматлари асосий манзилга (масалан, аэропортлар) кириш жойларидан таклиф қилиниши керак.

Тегишли транспорт воситалари ва жисмоний имконияти чекланган тиббий сайёҳлар учун транспорт воситалар тақдим этилиши керак.

Тиббий сайёҳлар амалдаги шартлар ҳақида олдиндан хабардор бўлишлари керак.

Белгиланган жойдаги турар жойга ташиш тиббий хизмат таъминотчиси ёки воситачи томонидан таъминланади (агар мавжуд бўлса). Ташиш тиббий сайёҳларнинг соғлиғига мос келиши керак.

4.3.4 Жойлаштириш хизматлари

Тиббий хизмат (масалан кейинги кузатув ва тикланишлар) таъминотчилари томонидан кўрсатиладиган даволаниш тури жойдан ташқарида жойлаштириш хизматини талаб қилганда, воситачи ва тиббий хизмат таъминотчиси амалий маълумотни тақдим этиш учун жойлаштириш хизмати воситачилари ва бошқа хизмат кўрсатувчи компаниялар билан ишлайди. Жойлаштириш воситаси ногиронларнинг эҳтиёжлари ва талабларини ҳисобга олади.

Изоҳ: Мавжудлик талаблари ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун ISO 21902¹⁾ га қаранг.

Ушбу турдаги хизматларни хизмат пакети шаклида даволаш билан бирга буюртма қилиш мумкин бўлиши керак.

4.4 Тиббий сайёҳларнинг қаноатланиш даражаларини ва ҳаракат режасини кузатиб бориш

Ҳар иккала тиббий хизмат ҳам, воситачи ҳам тиббий сайёҳнинг ўз хизматидан қониқиш даражасини баҳолайди ва назорат қилади. Бошқа нарсалар билан бир қаторда консьерж хизматлари мавжуд бўлса улар баҳоланади ва назорат қилинади.

Ушбу баҳолашдан олинган натижалар тиббий хизмат таъминотчиси, воситачи ёки иккаласи ҳам тиббий сайёҳларнинг қаноатланишини ошириш учун ҳаракат режасини амалга ошириш учун жалб қилинган ходимлар учун мавжуд бўлиши керак. Шунингдек улар тиббий сайёҳларнинг шикоятларини кўриб чиқадилар.

Тиббий сайёҳнинг қаноатланишини мониторинг қилиш режаси доирасида олинган натижалар, шунингдек тиббий сайёҳнинг қаноатланишини ошириш учун қилинган ҳаракатлар қайд этилиши керак.

5 Воситачига доир талаблар

5.1 Умумий қоидалар

Тиббий туризм учта асосий жараёнга бўлинади:

- саёҳатга тайёргарлик ва даволанишдан олдинги давр;

- даволаш;

- даволанишни тугатгандан кейинги давр, шу жумладан уйга қайтиш ва кейинги кузатув.

Воситачи қуйидагиларга мажбур:

а) тиббиёт соҳасида аниқ билимга эга бўлиш;

б) ҳар икки томон ҳам амал қилиши керак бўлган тартибни ўз ичига олган шартнома орқали тиббий хизмат кўрсатувчи билан муносабатларини ҳужжатлаштириш; ушбу шартнома тиббий сайёҳларнинг маълумотларини ҳимоя қилишни таъминлаши керак;

с) тиббий даволаниш ҳақида ҳужжатлаштирилган маълумотни сақлаш.

Воситачилар учун минимал ваколатлар В иловасида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

¹⁾ Тайёргарлик босқичида. Нашр этилган вақт босқичи: ISO/DIS 21902:2020.

5.2 Саёҳат ва даволанишдан олдинги давр

Воситачи қуйидагиларга мажбур:

а) тиббий сайёҳдан тиббий хизмат таъминотчиси, тегишли даволанишни таклиф қилиши учун умумий маълумотларни тўплаш ва шифокорнинг илтимосига биноан тиббий сайёҳ шифокорга касаллик тарихи ҳақида маълумот бериш учун тўлдириши керак бўлган шаклни такдим этиши;

б) тиббий сайёҳга шифокор, тиббиёт хизмат ваёки ўз хизматлари ва тажрибаси ҳақида керакли маълумотларни такдим этиши;

в) сўровноманинг тиббий сайёҳ билан тўлдирилганлигига ишонч ҳосил қилиниши; анкета тиббий сайёҳнинг камида контакт маълумотларини, афзал кўрилган тил ва махфийлик сиёсатини такдим этишни ўз ичига олиши, шунингдек тиббий сайёҳга уларнинг эҳтиёжларини ёки касаллик ҳолатини тушунтиришга имкон бериши керак;

д) тиббий сайёҳга олдиндан такдим этилган ариза шаклида қўшимча маълумот олиш учун мурожаат қилиш, унинг ўзига хос эҳтиёжлари, муаммолари ва тахминлари, таклифи ва талаб қилинган даволаниш муддати;

е) тиббий хизмат таъминотчисидан тиббий ходимлар, даволаниш, таҳлил афзалликлари, даволанишнинг мумкин бўлган умумий хавфи ва асоратлари, яшаш давомийлиги, даволаниш муддати ва тикланиш вақтидан олдин тахмин қилинган вақт ҳақида маълумот олиш ва тиббий сайёҳни тиббий жараёни тушунтириш учун тиббий хизмат таъминотчисига юбориш орқали беморни хабардор қилиш;

ф) тиббий сайёҳга сафарни ташкил этиш таклифи ҳақида умумий маълумот бериш (масалан виза ҳақида умумий маълумот, заруратга қараб трансфер ҳақида маълумот);

г) тиббий сайёҳ тиббий ходимлар орасида шахсий маълумотларни тўплаш ва тарқатиш учун расмий розилик берганлигига ишонч ҳосил қилиш;

ҳ) тиббий маълумот ва таҳлиллар (масалан, магнит-резонанс томография, рентген суратлар, фотосуратлар, клиник лаборатория натижалари) тиббий муолажа учун зарур бўлган вақтда тиббий сайёҳ томонидан такдим этилганлигига ишонч ҳосил қилиш;

и) энг қулай саёҳат кунлари ҳақида тиббий сайёҳ билан музокара олиб бориш;

ж) тиббий сайёҳ билан жойлашув шароитлари ва бошқа зарур консърж хизматларини мувофиқлаштириш; воситачи тиббий сайёҳнинг эҳтиёжларини қаноатлантирадиган тиббий сайёҳни жойлаштириш учун хизмат кўрсатувчи воситачини таклиф қилиши керак (яъни махсус имкониятлар, овқатланиш ва унга ҳамроҳ шахс нуктаи назаридан);

к) тиббий хизмат таъминотчисидан даволаниш нархини сўраш;

л) тиббий сайёҳга қуйидагилар ҳақида маълумот берилади:

- паспорт ва виза олиш каби керакли саёҳат ҳужжатлари ва уларнинг тахминий қиймати;

- тиббий сайёҳ тиббий хизмат таъминотчиси олдида келгандан сўнг, даволанишни тиббий кўрсаткичларга кўра бекор қилиш эҳтимоли;

- танланган шифокор кутилмаган ҳолатлар туфайли мавжуд бўлмаслиги эҳтимоли; бу ҳолда мавжуд тиббий сайёҳ билан келишилган ҳолда аниқланиши керак;

- тўлов шартлари;

- жараённинг ҳар бир томони (воситачи ва тиббий ёрдам кўрсатувчи);

- даволаш амалга ошириладиган мамлакатда амал қилувчи амалдаги қонунчилик;

m) барча маълумотларни (шу жумладан тиббий жараён ва консъерж хизматларини) олгандан сўнг, тиббий сайёҳга тасдиқлаш учун барча хизматларнинг якуний таклифини юбориш; ушбу таклифга нима киритилганлигини ва нима бўлмаслигини аниқлашга имкон бериш учун етарлича аниқ бўлиши керак; асоратларни келтириб чиқарадиган хизматларни (агар мавжуд бўлса) қопланишини аниқлаш керак;

n) тиббий хизмат таъминотчисидан даволаниш учун ёзувни амалга ошириш;

o) тиббий сайёҳнинг махсус эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда консъерж хизматларини ташкил этиш;

p) тиббий сайёҳга сафар ҳақида тўлиқ маълумотни, биринчи навбатда чиқиш ва борадиган жойга келиш санасини олдиндан юбориш;

q) воситачининг маъмурий ходимлари клиник маълумотларга кириш имконига эга эмаслигига ишонч ҳосил қилиш.

5.3 Муолажа

Воситачи тиббий хизмат таъминотчиси билан даволаниш даврида келишувни тўғри бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш, шунингдек қониқарсиз натижалар юзага келган тақдирда тиббий сайёҳларга ёрдам кўрсатиш учун алоқада бўлиши керак.

5.4 Муолажа тугаганидан кейинги давр

5.4.1 Умумий қоидалар

Воситачи операциядан кейинги даволаниш вақтида келишувни тўғри ривожлантиришни назорат қилиш ва таъминлаш, шунингдек асоратлар ёки қониқарсиз натижалар юзага келганда воситачилик вазифасини бажариш учун тиббий хизмат таъминотчиси билан алоқада бўлиши керак.

Хусусан, мақсадли тикланиш даврида (агар мавжуд бўлса), воситачи “боғловчи бўғин” сифатида тиббий сайёҳ тиббий хизмат таъминотчисидан тиббий муолажага мувофиқ даволанишдан кейин зарур кузатув олиб боришини таъминлаши керак.

Воситачи жойлаштириш воситаси тиббий сайёҳнинг ўзига хос эҳтиёжларига мослаштирилишини таъминлаши керак.

5.4.2 Уйга қайтиш ва кейинги кузатув

Агар воситачи тиббий сайёҳни уйга қайтариш жараёни учун масъул бўлса, ушбу жараённи тиббий сайёҳнинг ўзига хос эҳтиёжларига мувофиқ режалаштириши керак.

Воситачи тиббий сайёҳ уйга қайтгач, кузатувни таъминлаши керак.

6 Тиббий хизмат таъминотчиларига доир талаблар

6.1 Умумий қоидалар

Тиббий хизмат таъминотчиси қуйидагиларга мажбур:

a) тиббий сайёҳлар учун суғурта полисини аниқлаш ва ҳисобот бериш;

b) тиббий сайёҳ билан самарали мулоқотни таъминлаш;

c) тиббий сайёҳларни ўз ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилиш ва уларни ҳурмат қилиш.

Изоҳ: А иловасида тиббий сайёҳнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумот мавжуд.

6.2 Ахборот

6.2.1 Тиббий хизмат ҳақида маълумот

Тиббий хизмат таъминотчиси тиббий сайёҳга қуйидаги маълумотларни тақдим этиши керак:

- a) маҳаллий ва инглиз тилида тиббий хизмат таъминотчисининг номи;
- b) иш соатлари, мавжуд ходимлар, фавкулудда телефон рақамлари ва тиббий амалиёт билан шуғулланадиган ва унга масъул бўлган ходимлар;
- c) объектлар ва хизматларнинг мавжудлиги хусусиятлари (масалан рўйхатга олиш жараёни, тақдим этилган хизматлар, фавкулудда вазиятлар бўйича маслаҳат);
- d) суғурта, харажатлар, тўлов усуллари ва молиявий ёрдам имкониятлари;
- e) консъерж тиббий сайёҳга ва унинг ҳамроҳларига транспорт хизматлари, жойлаштириш каби хизматлар (яшаш турлари ва давомийлиги ҳақида маълумот);
- f) тиббий ёрдам кўрсатувчи ёрдамчи хизматлар (масалан кутубхона, кафетерия, кир ювиш хизматлари);
- g) виза олиш учун талаблар;
- i) брон қилишни бекор қилиш қоидалари; тиббий сайёҳнинг розилиги ҳақидаги далиллар сақланиши керак;
- j) тиббий сабабларга кўра даволанишни рад этиш ёки уни тўхтатиш ҳолатларида тиббий хизмат таъминотчисининг мажбуриятлари;
- k) тиббий хизмат таъминотчисининг ўзгариши билан боғлиқ шартлар; агар шундай бўлса, тиббий сайёҳнинг розилиги тасдиқланиши керак;
- l) тиббий хизмат томонидан тақдим этилган суғурта қопламаси ҳақида маълумот.

Тиббий хизмат таъминотчиси тиббиёт соҳасидаги билим ва тажрибасини тасдиқловчи сертификатлар ва аккредитацияларни тақдим этиши керак.

6.2.2 Даволаш ҳақида маълумот

Таклиф этилаётган даволанишнинг ҳар бир тури учун шифокор тиббий саёҳатчига қуйидагилар ҳақида хабар бериши керак:

- a) боғлиқ хавфлар, мумкин бўлган нојўя таъсирлар ёки реакциялар (аллергия), қарши кўрсатмалар, дори-дармонлар; хусусан, хомиладорлик ёки маълум бир касаллик ҳолатида мос бўлмаган даволаш усуллари аниқланиши ва хабар қилиниши керак;
- b) даволаш (тайёргарлик) олдидан давр, даволаш ва кузатиш тугагандан кейинги давр;
- c) таклиф этилаётган хизматлар нархи;
- d) қўлланиладиган усуллар, дори-дармонлар, кузатув ва бошқа шунга ўхшаш даволашлар ва таклифда кўрсатилмаган хизматлар;
- e) рухсат этилган кийим тури ва шахсий нарсалар;
- f) муайян таҳлилларга мувофиқ талаб қилинадиган тайёргарлик жараёни бўйича кўрсатмалар (масалан парҳез талаблари);
- g) даволаш учун белгиланган талаблар; улар тиббий сайёҳ тушунадиган тарзда тақдим этилади; ушбу хабарнома ҳужжатлаштирилган бўлиши керак.

6.3 Умумий хизмат турларини тақдим этиш

Тиббий хизмат таъминотчиси қуйидагиларга мажбур:

- тақдим этилган хизматларга қараб маслаҳат ва қабул қилиш жадвали олдиндан белгиланиши кераклиги;
- беморни рўйхатга олиш учун керакли ҳужжатларни тақдим этиши;

- тиббий саёҳатчининг даволанишни тўхтатиш билан боғлиқ хавф ҳақидаги тиббий фикрига рози бўлмаган низолар ёки вазиятларни ҳал қилиш усулини ишлаб чиқиш (масалан тиббий хизмат таъминотчисини жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги аризани имзолаш);

- ҳар қандай тиббий фавқулодда вазият ёки асоратлар (масалан алоқада бўлган шахс, тиббий транспорт) содир бўлганда кўрилиши керак бўлган чораларни аниқлаш;

- тиббий сайёҳга исталган вақтда, ҳатто олдиндан хабардор қилинган розилик билан ҳам даволанишни тўхтатиш имкониятини таклиф қилиш;

- тиббий сайёҳга розилик маълумотини бекор қилиш имкониятини бериш; хабардор қилинган розилик бекор қилинган ёки ихтиёрий равишда бўшатишган ҳолларда, тиббий хизмат таъминотчиси касаллик тарихи билан бирга ёзувни юритиши керак;

- тиббий сайёҳнинг охириги хоҳишини ҳурмат қилиш, агар мавжуд бўлса уни қонунчилик базаси ҳақида хабардор қилиш;

- тиббий сайёҳ бошқа шифокорнинг фикрини сўраганда ёки бу мақсадда даволовчи шифокорни ўзгартирганда тегишли ёзувларни юритишни осонлаштириш;

Тиббий хизмат таъминотчиси тиббий сайёҳнинг шахсий нарсаларини / буюмларини ҳимоя қилиш учун аниқ чоралар кўриши керак.

6.4 Тиббиёт ходимлари

6.4.1 Ходимларни режалаштириш ва мувофиқлаштириш

Тиббий хизмат таъминотчиси куйидагиларга мажбур:

а) хизматларга бўлган талаб, сменалар, тиббиёт пунктининг ихтисослашуви ва иш соатлари каби мезонларга кўра зарур тиббий мутахассислар сонини аниқлаш;

б) зарур бўлган турли хил тиббий зарур лавозимларни ва уларнинг масъулиятини белгилаш ва ҳужжатлаштириш;

с) ҳар бир тиббий сайёҳ учун ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича босқичларни амалга ошириш ва ҳужжатлаштириш.

6.4.2 Малақа талаблари

Илгари тайинланган тиббий мутахассис лавозимларига нисбатан турли хил лавозим профиллари куйидагилар ҳисобга олинган ҳолда аниқланади:

а) талаб қилинадиган қобилиятлар, кўникмалар, билимлар ва сертификатлар (масалан аъзолик сертификати);

б) вазифалар ва мажбуриятлар.

Тиббиёт ва кичик тиббиёт ходимлари ўз лавозими ва мутахассислигига мувофиқ расмий дипломга эга бўлиши керак. Хусусан, махсус тайёргарликка эга бўлган тиббиёт ходимлари (масалан ҳамширалар, физиотерапевтлар, рентген суратлари диагностикаси бўйича мутахассислар, химик лаборантлар, оптиклар, тиббий лаборатория олимлари, қон банкиси мутахассислари) тегишли талабларга жавоб бериши керак (масалан фуқаролик мажбуриятларини суғурталаш, аъзолик сертификати, рентген аппарати операторлари учун лицензия).

Тиббий сайёҳлар билан боғлиқ бўлган лавозимлар учун тиббий сайёҳларни мослаштириш ва тилни билишга алоҳида эътибор берилади.

6.4.3 Таълим

Тиббий хизмат таъминотчиси ходимлар учун зарур бўлган таълимни таъминлаши керак. Шу сабабли, турли иш йўналишлари учун ўқув режаси

